ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАСУЛОВ РУСТАМ АБДУРАИМОВИЧ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИ-СПОРТЧИЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ (ЯККАКУРАШ ТУРЛАРИ МИСОЛИДА)

19.00.06- Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 378:159.922.8(575.1)

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора психологических наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Psychological Sciences (DSc)

Абдурасулов Рустам Абдураимович
Спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги роли (яккакураш турлари мисолида).....3

Абдурасулов Рустам Абдураимович
Роль спортивных занятий на формировании личности учащихся-спортсменов (в примере видов единоборств).....31

Abdurasulov Rustam Abduraimovich
The role of the formation of the personality of the student-athletes involved in sports (the example of the types of martial arts)……57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications……..61

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАСУЛОВ РУСТАМ АБДУРАИМОВИЧ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИ-СПОРТЧИЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ (ЯККАКУРАШ ТУРЛАРИ МИСОЛИДА)

19.00.06- Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Psi18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik_falsafa@nuu.uz) ва ZiyoNET ахборот-таълим порталида (www.ziyonet. uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шоумаров Ғайрат Бахромович**
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каримова Васила Маманосировна**
психология фанлари доктори, профессор

Холмуҳамедов Рустам Дехканович
педагогика фанлари доктори, профессор

Самаров Рустам Садридинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-кабинет. Тел.: (99891) 246-52-74; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона.Тел.: (99891) 246-67-71).

Диссертация автореферати 2018 йил “____”_____куни тарқатилди.
(2018 йил “____”_____даги ____рақамли реестр баённомаси.)

Э.Ғ.Ғозиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шарқ яккакураши инсоннинг жисмоний ва руҳий камолотини таъминлашда тарихий ва замонавий аҳамиятга эга бўлган таъсирчан тарбия усуллари сифатида эътироф этилмоқда. Шарқ яккакурашининг инсон руҳий барқарорлиги ва жисмоний камолотидаги ўрнини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъйи-ҳаракатлари туфайли 2014 йилда жанговор шарқ яккакураши Халқаро ассоциацияси (International Oriental Martial Arts Association (IOMAA) ташкил этилиб, унда 67 та федерациялар киритилди. Бу омиллар шарқ жанговор яккакураши билан шуғулланувчиларнинг сони 2015 йилда 14,8 млн нафар кишига ўсганлигини, 2020 йилда уларнинг миқдори 20 млн нафар кишига етиши мумкинлигини кўрсатмоқда[1]. Шарқ яккакураши усулларини ўрганиш ўзининг вудужга келган давридагина эмас, балки бугунги технологик тараққиёт даврида ҳам шахснинг гармоник ривожланишини таъминловчи, ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини, уларнинг наркоманияга, хулқий оғишга мойилликларини олдини олишнинг энг самарали йўл ва усулларидан эканлигини тасдиқланмоқда.

Жаҳонда шарқ якка курашининг инсон руҳий камолотини, жисмоний саломатлигини тиклаш ва профилактикасидаги роли, шахснинг ўзини ўзи англаш воситаси, шарқ якка кураши анъаналарига нисбатан муносабати, унинг онтологик ҳодиса эканлиги, ўсмирларда ахлоқий-иродавий сифатларни шакллантиришдаги аҳамияти, спортчилар фаолият самарадорлигида шарқ яккакурашининг ўрни, шарқ яккакураш турларининг шахснинг руҳий барқарорлигини таминлаш омили, шарқ яккакураши билан шуғулланган спортчиларда қадриятлари тизимининг социал-психологик механизмлари масалалари тадқиқ этилмоқда. Шарқ яккакурашига ўргатишга доир спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги ролини тадқиқ қилиш шахс камолотини психологик хусусиятларини аниқлашнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва руҳий уйғунликда камолотини, уларда психик барқарорлик ва иродавий сифатларни таркиб топтиришда спорт ва жисмоний тарбия, спорт мактаблари ва тўгараклари фаолиятини ошириш орқали таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг[2] «ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларда кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш» вазифалари белгиланган. Шу нуқтаи назардан,

[1] http://www.dissercat.com/content/vostochnye-edinoborstva-kak-ontologicheskoe-yavlenie#ixzz5WJRlO4VL

[2] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида» амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети.-Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017.-206 б.

спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги роли масаласи психологиянинг, айниқса спорт психологиясининг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[3]. Спорт психологияси соҳасида спортчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, South-American Association Taytsu (Канада), National China Association Ushu (Хитой), Institution of Martial Arts Kodokan (Япония), Federation of Martial Arts Taikwondo (Жанубий Корея), Sofiya University in Bolgary (Болгария), University of Social Psichology (Польша), Hamburg University in Germany (Германия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург давлат жисмоний тарбия институти (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Дунёда спорт машғулотларини шахс шаклланишига таъсири

---

[3] Мазкур қисм қуйидаги манбаларга асосланган ҳолда ёритилган: Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. М.: Изд. полит. литературы.; Мерлин В.С. В кн. Психология формирования и развития личности. М.: Наука, 1981.; P. Kunath. Changes in pervormance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology». Rome, № 1, 1974.; Ogiloie B, Tutko T, Lyon L. The Votivational Inventory. In «Sholastic Coach», San Xose, 1976.; K.Kohl. Uber Bedeutungsgehaile des Sportspiels.-In: «Sportpsychlogie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972.; Vanek M, Hosek W, Svoboda B. Studie osobnosti ve spory. Universita Karlova, Praha, 1974.; Biro H. Extroverzia a zmena vykorny v persepcnomotorickei uloke u sporto vsov. – «Teorie a praxe telesne vychovy», № 3, 1976.; Родионов А.В. Влияние психологических факторов на спортивный результат. М.: ФиС, 1983.; Пилоян Р.А. Мотивация спортивной деятельности. М.: ФиС, 1984.; Вяткин Б.А. Управление психическим стрессом в спортивных соревнованиях. ФиС, 1981.; Лобзин В.С., Решетников М.М. Аутогенная тренировка. Л.: Медицина, 1986.; Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности. М.: Просвещение, 1985.; Норакидзе В.Г. Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена.; Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирования соревно-вательной установки у спортсменов.; Дойль В. Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена.; Пуни А.Ц. Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте.; Онищенко И.М. Опыт психологического изучения основных качеств личности спортсмена.; Попеску С, Иота М, Хордиган В. О некоторых средствах и приёмах психического воздействия в спорте. Сборник научных работ психологов спорта. М.: ФиС, 1973.Токарёва В.А. Межнаучная проблема личности и перспективы её исследования в XXI веке. /XXI аср психологияси: назария, амалиёт, истиқболлар. //ЎЗМУ халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Т.: «Mumtoz soz», 2013.

самарадорлигига доир олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, шахснинг жисмоний ва психологик саломатлиги самарадорлигини шарқ яккакураш турлари ёрдамида ошириш (South-American Association Taytsu); жисмоний ва психологик сифатлари ривожлантиришда Ушунинг роли (National China Association Ushu); иродавий хислатларни шакллантиришда кодоканнинг таъсири (Institution of Martial Arts Kodokan); жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларни такомиллаштиришда таэквондодан фойдаланиш (Federation of Martial Arts Taikwondo), спортнинг шахс психологик хусусиятларининг ривожланишидаги ижобий таъсирида машғулотларни изчил ташкил қилишнинг аҳамияти (Sofiya University); спорт фаолиятининг спортчи шахси характерини шаклланишига таъсири ҳамда спортчиларнинг иродавий тайёргарлигини ривожлантиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш (Санкт-Петербург давлат жисмоний тарбия институти) ва спорт жамоасида ўзаро муносабатнинг шаклланиш динамикаси (Москва давлат университети), юқори спорт натижаларига эришиш мотивациясини аниқлаш ва такомиллаштириш (Hamburg University), спортнинг шахс фаолиятига психологик таъсир кўрсатиш восита ва усуллари такомиллаштириш (University of Social Psichology) бўйича эмпирик натижалар олинган.

Дунёда спорт машғулотлари воситасида шахс маънавиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш борасида ўқувчи-ёшларда қатъий ҳаётий позицияни ривожлантириш мониторинги моделини такомиллаштириш, шахсни шакллантиришда спорт турларининг аҳамиятини диагностика қилиш тизимини ривожлантириш, спортчиларнинг психологик тайёргарлигини такомиллаш-тириш, спортчилар ҳиссий-иродавий ҳолатини аниқлашнинг психологик тизимини ривожлантириш, спорт жамоаларида психологик муҳит самара-дорлигини оширишнинг психологик механизмларини яратиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жисмоний тарбия тизими инсон фаолиятининг ажралмас бир қисми сифатида кўп йиллардан бери шаклланиб келмоқда. Шу сабабли азалдан жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг жисмоний сифатларини ривожлантириш омили сифатида қаралиб келинган.

Психология фанида шу кунгача шахсни шакллантириш муаммоси бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Шундай экан, спорт психологияси йўналишида спортчи шахси, спорт фаолияти, спортчининг психологик хусусиятлари, спортчининг психологик тайёргарлиги, спорт машғулотларининг спортчи шахси шаклланишига таъсири, спорт жамоаларида шахслараро муносабатлар, жамоадаги психологик муҳит каби муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган, буларни жумладан: Л.Шуоюй, К.Дзигоро, Ч.Х.Хи, Э.Герон, В.Навроцкая, В.Дойль, П.Рокушфалви, В.Гошек, В. Норакидзе, П.Рудик, Ю.Палайма, А.Пуни, О.Черникова, А.Родионов, Н. Худадов, И.Онищенко, З.Гаппаров, Р.Гайнутдиновларнинг илмий ишлари мисолида кўришимиз

мумкин[4].

Ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг психологик-педагогик хусусиятлари Л.Выготский, А.Леонтьев, А.Бодалев, Б.Ананьев, М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Р.Суннатова, Р.Сафарова, Ф.Юзликаев, Э.Юсупов, Ш. Шодмонова-ларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган[5].

Кўпгина олимлар томонидан спорт машғулотларининг шахс шаклланишига ҳамда спортчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишида муҳим омил эканлиги (А.Родионов, Н.Худадов, Н.Кунат, В.Сафин, В.Плахтиенко, В.Мельников, В.Мерлин, Р.Пилоян, Ю.Ханин, Р.Гайнутдинов, З.Гаппаров)[6] илмий асослаб берилган.

Спортнинг шахс ижтимоийлашувидаги шакллантирувчи психологик хусусиятларини Л.Шерток, Т.Эксокусто, Р.Кеттелл, Г.Айзенк, Ж.Гилфорд, В.Лобзин, А.Решетников, В.Марищук, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Н.Сафаев, М.Қуронов, Ш.Қурбонов, У.Иноятов, Р.Джураев, Ш.Шарипов, С.Нишонова, О.Мусурмоноваларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин[7].

---

[4]Э.Герон. Психоспортограмма. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973. -С.40-61. В.Навроцкая. Анализ и формирование структуры межличностных отношений в спортивном коллективе. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.72-85. В.Дойль. Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.121-143. П.Рокушфалви. Некоторые психологические вопросы, связанные с выбором вида спорта. «Психология и современный спорт». М.ФиС,1973.-С.170-174. В.Гошек.Успех как мотивационный фактор спортивной деятельности. «Психология и совре-менный спорт». М.ФиС, 1973.-С.100-120. В.Норакидзе. Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена. «Психология и современный спорт».М.ФиС,1973.-С.62-71. П.Рудик. Психологические аспекты спортивной деятельности. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.14-39. Ю.Палайма. Опыт исследования относительной силы мотива и формирования соревновательной установки у спортсменов. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.86-99. А.Пуни. Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.144-161. О.Черникова. Психологические особенности спортивных эмоций. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.190-205. Р.Гайнутдинов, З.Гаппаров. К вопросу изучения некоторых психофизиологических реакции у боксёров на занятиях повышения спортивной мастерства. //Тезисы III-Межвузовской Республиканской конференции по физическому воспитанию и спорту. Ташкент, 1976. -С.208-209.

[5]Л.Выготский. Педагогическая психология. М.Педагогика-Пресс, 1996. 536с. А.Леонтьев. Деятельность, сознание, личность. М.Политическая литература, 1977. А.Бодалев. Личность и общение. М. Международ. пед. академия, 1995. Б.Ананьев. Проблема формирования характера. Л.1969. Г.Давлетшин. Ёш авлодни тарбиялашнинг психологик муаммолари. Т. “Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт”.1997. Э.Ғозиев. Интеллект психологияси. Т.”Университет”.1996. Б.Кадыров. Способности и склонности. Т.Фан. 1990. Р.Суннатова. Саморегуляция мыслительной деятельности. Т.1996. Р.Сафарова. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунини янги моделлари, уларни тадбиқ этиш йўллари.Т.Фан, 2005. Ф.Юзликаев. Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом институте. Т. Фан,2005. Э.Юсупов. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари.Т.Ўқитувчи, 1996. Ш.Шодмонова. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида). Пед.фан.док… дисс. Т.2010.-340 б.

[6]А.Родионов. Влияние психологических факторов на спортивный результат. М.ФиС, 1983. Н.Худадов. Психологическая подготовка боксеров. М.ФиС, 1968. Н.Кунат. Проблемы нагрузки с точки зрения психологии спорта. «Психология и современный спорт». М.ФиС, 1973.-С.319-324. В.Сафин. Самооценка и взаимооценка старшеклассников в зависимости от внушаемости. //Вопр. Психологии. М.1979, № 1. В.Мельников, Л.Ямпольский. Введение в экспериментальную психологию личности. М. Просвещение. 1986, 319с. Р.Пилоян. Мотивация спортивной деятельности.М. ФиС,1984.104с. Ю.Ханин. Психология общения в спорте. М.ФиС, 1980.208с. Р.Гайнутдинов, З.Гаппаров. Динамика психофизиологических показателей в процессе учебных нагрузок у студентов института физической культуры./Вопросы физического воспитания студентов. Т.1976. -С.147-152.

[7] Л.Шерток. Неопознанное в психике человека. М. 1982.-С.33. Т.Эксакусто. Практикум по групповой психокоррекции: тренинги, упражнения, ролевые игры. Ростов н/д: Феникс, 2007.-339с. R.Cattell, H.Eber,

Психолог олимлар томонидан спорт машғулотларининг спортчи шахсини шакллантиришдаги аҳамиятига оид муаммо бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, аммо спорт жамоаларида психологик муҳитни шакллантириш, жамоада спортчиларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш, спортчиларнинг психологик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари илмий-амалий жиҳатдан долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбекистонлик психолог олим Р.З.Гайнутдинов олиб борган илмий тадқиқот ишлари асосан, талабаларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича спорт тайёргарлиги учун муҳим бўлган баъзи психологик хусусиятларни ўрганишга қаратилган бўлиб, унда талабаларнинг машғулот олдидан ва спорт маҳоратини ошириш бўйича ўқув юкламаларининг психик ҳолатини характерловчи кўрсаткичларига таъсири масаласи тадқиқ қилинган[8].

Лекин шу кунгача педагогик психологияда шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўқувчилар шахсини шакллантиришдаги таъсирини очиб берувчи муаммолар махсус тадқиқот предмети сифатида деярли ўрганилмаган. Шу сабабли ҳам ушбу муаммони ўрганишни мазкур докторлик диссертациямизнинг мақсади сифатида белгиладик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган “Халқ таълимининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш” илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчи шахсини шакллантиришда унинг психологик хусусиятларига шарқ яккакураши машғулотларининг таъсири такомиллаштириш ва улар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шарқ яккакураши машғулотларининг ўқувчи шахси шаклланишидаги психологик-педагогик таъсири хусусиятларини аниқлаш;

ўқувчи шахсини шакллантиришда бокснинг психологик таъсири хусусиятларини аниқлаш;

ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига шарқ яккакураши ва

M.Tatsuoka. Handbook for the sixteen personality factor Questionnaire (16 PF). Champaing, Ulinois.-Institute for Personality and Ability Testing, 1970. Г.Айзенк. Новые IQ тесты. М. Эксмо, 2005. 192с. J.Gilford, W.Zimmerman. The Gilford-Zimmerman Temperament Survey. Manual of Direction and Norms. Beverli Hills, California. Sheridan Supply, 1949-1955. В.Лобзин, М.Решетников. Аутогенная тренировка. Л.Медицина, 1986,- 280с. В.Марищук и др. Методики психодиагностики в спорте. //Учебное пособие для студентов пед. инс-тов. М.Просвещение, 1990.-256с. Г.Б.Шоумаров. Реализация Национальной программы по подготовке кадров в Узбекистане. «Cumo», Токио. 1998. В.Каримова,Р.Суннатова, Р.Тожибоева. Мустақил фикрлаш. Ўқув қўлланма.Т. Шарқ, 2000. Н.Сафаев, Н.Мираширова, Н.Одилова. Умумий психология назарияси ва амалиёти. Т. 2013.-292 б. М.Қуронов. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.Т. Академия,2008, 32 б. Р.Джураев. Таълимда интерфаол технологиялар. Т., 2013. 87 б. Ш.Қурбонов, Е.Сейтхалилов, У.Иноятов, Э.Юзликаева, Ш.Шарипов. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури “Ислом Каримов модели” Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси. Ўқув қўлланма. Т.2013. 234 б. С.Нишонова. Воспитание совершенного человека в развитии педагогической мысли эпохи возрождения Востока.- Автореф.дисс...д.п.н. Т. ТИИМСХ. 1998.35 с. О.Мусурмонова. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т. Ўқитувчи, 1996. 97б. Ғ.Б.Шоумаров. “1001 саволга психологнинг 1001 жавоби”.Т. 2014. 290б. Ғ.Б. Шоумаров, У.Қодиров, И.Ҳожибоев. “Оилага психологик ёрдам кўрсатиш асослари”. Т. 2014, 234б.

[8] Гайнутдинов Р. З. Факторы, влияющие на психическое состояние студентов, и их учет в процессе спортивной подготовки в институтах физической культуры. Автореф. кан. психол. наук. – .Москва, 1981.

бокс машғулотлари ҳамда аутоген машқларини таъсирини аниқлаш;

шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг характер ва темперамент хусусиятларини аниқлаш;

ўқувчилар шахсини шакллантиришда шарқ яккакураши ва бокс машғулотларидан самарали фойдаланиш бўйича методик ва психолого-педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини яккакураш турларига мансуб бўлган жами 292 нафар синалувчи (Жиззах вилоятининг Жиззах ва Пахтакор тумани Болалар ўсмирлар спорт мактабининг (БЎСМ) бокс тўгараги ўқувчилари-65 респондент, дзюдо тўгараги ўқувчилари-18 респондент, Зомин тумани БЎСМ таэквондо тўгараги ўқувчилари-24 респондент, Ғаллаорол ва Бахмал тумани БЎСМ миллий кураш тўгараги ўқувчилари-50 респондент, Жиззах шаҳри 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби каратэ тўгараги ўқувчилари-32 респондент, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани БЎСМ бокс тўгараги ўқувчилари-23 респондент, Ангрен шаҳридаги БЎСМ бокс тўгараги ўқувчилари-27 респондент, Жиззах шаҳридаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактабининг юқори синф ўқувчилари назорат гуруҳи-53 респондент) ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўқувчи шахсини шаклланишига психологик таъсири ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: суҳбат (ўқувчилар шарқ яккакураши ва бокс турлари билан шуғулланиш жараёнида ўзларида қандай ўзгаришлар сезаётганликларини аниқлаш), кузатиш (ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланиш жараёнидаги психологик ҳолатларини: ўзини тутиши, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам, жамоавийлик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш), нерв тизими хусусиятларини ўрганиш методикаси (И.П.Павлов ва унинг шогирдлари томонидан кўрсатиб берилган), К.Юнг тести, характер, темперамент хислатлари тести, В.М.Мельников, Л.Т. Ямпольскийларнинг психодиагностика тести, анкеталар (биз томондан ишлаб чиқилган бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт турларининг психологик-педагогик хусусиятлари, ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиш мотивлари ва шахс шаклланишида шарқ яккакураши ва бокснинг фалсафий жиҳатлари ўрганиладиган анкеталар), В.М.Русалов сўровномаси (ўқувчилар учун мўлжалланган варианти), маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика методи (Стьюдент t-мезони бўйича ишончлилик даражасини аниқлаш).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар шахси шаклланишида шарқ яккакураши машғулотлари таъсирини самарадорлигини таъминловчи хавфсизликка (ўзини ҳимояланган ҳис қилиш, қўрқув ҳиссидан халос бўлиш), мансуб бўлиш (ўзаро бир бирини қўллаб-қувватловчи инсонлар орасида бўлиш, атрофдагилар томонидан қабул қилиш ва эътироф этилиш) каби етакчи эҳтиёжлари аниқланган;

шарқ яккакурашини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда фаолиятни

мақсадли бошқаришни таъминловчи “техник маҳорат шакллантириш”, ўзи билан атроф оламни уйғунлаштирувчи “шахсни ўзини ўзи камол топтириш”, хулқ-атворни тартибга солишга кўмаклашувчи “ахлоқий ва инсонийлик сифатларни мустаҳкамлаш”, поклик, дўстлик, ғазаб ва нафратни чеклаш, тўғри билан нотўғрини фарқлашни шакллантирувчи “ахлоқий-этикавий сифатлар” каби етакчи тамойиллари аниқланган;

шарқ яккакураши машғулотларидаги “жанг шароитида усулларнинг ўрганиш”, “жанговор ҳолатнинг ранг-баранглиги”, “эркин жанглар” ва “жанг усулларини ўзлаштириш” ўқувчиларнинг шарқ яккакураши машғулотлари билан шуғулланишга бўлган қизиқишларини, мусобоқалашиш, етакчиликка интилиши, натижаларга эришиш, ўзини ўзи рағбатлантириш мотивларини шакллантирувчи омиллар эканлиги далилланган;

шарқ яккакураши машғулотлари жараёнида ўқувчилар шахсининг шаклланишини ифодаловчи “ретроспектив Мен” (шарқ якка курашини ўргангунга қадар), “реал Мен” (шарқ якка курашини ўрганиш жараёни), “идеал Мен” (истиқболларини режалаштириш) ва “динамик Мен” (шахслик хусусиятларини ўсиб бориши) турлари аниқланган;

шарқ яккакураши машғулотларида ўқувчиларнинг машғулот жараёнида ва кундалик турмушда хулқ-атворини тартибга солувчи, гуруҳда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва жипслаштириш хусусиятини шакллантирувчи, психоэмоционал ҳолатларни (стрессга чидамлилик, фрустрацияга толерантлик) тартибга солишга йўналтирилган машқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шарқ яккакураши ва бокс машғулотларига бўлган муносабат, қизиқиш ва мотивларни ҳамда ўқувчи-спортчиларнинг психологик хусусиятларини ўрга-нишда қўлланувчи республика илм-фани учун янги психодиагностика мето-дикаси психологик тадқиқотлар амалиётига олиб кирилди;

шарқ яккакураши ва бокс машғулотларини ўтказишда узвийликни таъминлаш бўйича (жисмоний ва психологик тайёргарлик) амалий ишда қўлла-нилиши мумкин бўлган дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди ва амалиётда фойда-ланиш учун топширилди;

шарқ яккакураши ва бокс машғулотларига ўқувчи-спортчиларни психологик тайёргарлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатишга қаратилган янги ауто ва психотренинг бўйича машқлар синовдан ўтказилди ва амалий қўллаш учун тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион изланиш натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, халқаро миқёсда тан олинган методикалар, математик-статистиканинг аниқ метод-лари қўлланилгани, синалувчиларнинг танланиш ҳажми ва унинг репрезен-тативлиги, эмперик изланишларнинг назарий асослаб берилгани, тадқиқот натижалари кўрсаткичларининг бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан қиёсий таҳлил этилгани ва ишончли манбаларга асосланганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчтлик ўртасида муҳокама қилинганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг шахсни шакллантиришда якунланганлик, яхлитликни идрок этиш ва ҳиссий барқарорликни намоён этишнинг индивидуал хусусиятлари тўғрисидаги илмий тасаввурларни бойитади. Диссертацион тадқиқот натижалари шахс ижтимоий муҳитида баркамолликка эришиш учун интилишининг психологик асосини чуқурроқ англаш имконини яратади. Тадқиқот натижалари шахс шаклланишига тўсиқ бўладиган психологик хусусиятларни ўрганиш йўналишларини очиб беради.

Диссертация материаллари ва натижалари амалий ёрдам кўрсатиш учун ўқувчи-спортчилар шахсини ўрганиш жараёнида қўлланилиши мумкин. Айрим материаллардан ўқувчиларни спорт тўгаракларига қабул қилиш тадбирларида фойдаланиш имкони мавжуд. Ривожлантирувчи мазмунга оид материаллар спорт машғулотлари ва мксобақалари жараёнида ўқувчи-спортчини психологик қўллаб-қувватлаш учун самарали қўлланиши мумкин. Диссертация иши маълумотларидан психодиагностика, шахс психологияси, экспериментал психология фанлари ҳамда спорт мураббийлари ва амалий психологлари малака ошириш курсларида назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги роли бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Шарқ яккакураши машғулотларининг ўқувчилар шахси шаклланишига самарали таъсирини таъминловчи “босқичма босқичлик”, “чидамлилик”, “изчиллик”, “етарлилик”, “дифференцациялашганлик, “куч”, “реакция-куч”, “координациялаш қобилиятларини ривожлантириш” каби компонентлари тўғрисидаги янгилик умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўгараклари машғулотлари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380 сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666 сон маълумотномалар). Натижада болалар-ўсмирлар спорт мактаби спорт тўгаракларида ўқувчиларнинг психологик тайёргарлигини янада оширишга ёрдам берган;

шарқ яккакурашини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда фаолиятни мақсадли бошқаришни таъминловчи “техник маҳорат шакллантириш”, ўзи билан атроф оламни уйғунлаштирувчи “шахсни ўзини ўзи камол топтириш”, хулқ-атворни тартибга солишга кўмаклашувчи “ахлоқий ва инсонийлик сифатларни мустаҳкамлаш”, поклик, дўстлик, ғазаб ва нафратни чеклаш, тўғри билан нотўғрини фарқлашни шакллантирувчи “ахлоқий-этикавий сифатлар” каби етакчи тамойилларига доир илмий янгилик умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўгараклари машғулотлари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон

маълумотномалар). Натижада болаларни психологик ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб, тарбиялаш вазифаларини амалга оширишда хизмат қилган;

ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланишга бўлган қизиқишлари (жанг шароитида усулларни ўрганиш, эркин жанглар, жанговор ҳолатнинг ранг-баранглиги) уларда мусобақалашиш, етакчиликка интилиши, натижаларга эришиш, ўзини ўзи рағбатлантириш мотивларини ўсишига олиб келганлиги далилланган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномаси). Натижада болалар ўқувчиларнинг спорт мусобоқаларига тайёргарлиги, ўзини ўзи назорат қилиш имкониятларини ўстиришига хизмат қилган;

шарқ яккакураши машғулотлари жараёнида ўқувчилар шахсини ифодаловчи "ретроспектив Мен" (шарқ якка курашини ўргангунга қадар), "реал Мен" (шарқ якка курашини ўрганиш жараёни), "идеал Мен" (истиқболларини режалаштириш), "динамик Мен" (шахслик хусусиятларини ўсиб бориши) турлари аниқланган илмий янгилик умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўгараклари машғулотларида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-спортчиларнинг жамият ҳаётида, ўқув жараёнида маданиятлараро муносабатларни, ўзга инсонларга нисбатан ижобий муносабат ва ахлоқий фазилатларини ривожланишига хизмат қилган.

Шарқ яккакураши машғулотларида ўқувчиларнинг машғулот жараёнида ва кундалик турмушда хулқ-атворини тартибга солувчи, гуруҳда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва жипслаштириш хусусиятини шакллантирувчи, психоэмоционал ҳолатларни (стрессга чидамлилик, фрустрацияга толерантлик) тартибга солишга йўналтирилган машқлар ишлаб чиқилгани тўғрисидаги илмий янгилик жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларини малакасини ошириш машғулотларида ўқувчи-спортчиларни психологик тайёргарлиги борасидаги билимларини оширишда, ўқув-амалий семинарларни ташкил қилишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалар). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари амалий психологлари ва спорт мактаблари мураббийлари фаолиятининиг сифатини такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 13 республика ва 5 халқаро илмий конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича 2та монография, 19та илмий мақола (14 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда), шу жумладан, хорижий журналларда 5 (инглиз тилида 2та) мақола, конференция тўпламларида жами 13та, шу жумладан хорижий халқаро илмий анжуманлар тўпламларида 5 маъруза тезиси чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 219 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Психологияда шарқ яккакураши ва бокснинг шахс шаклланишига таъсири муаммосининг илмий-назарий масалалари”**га бағишланган. Спорт психологияси-психология фанининг ёш соҳаси бўлиб, кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилиб ва ривожланиб келаётган йўналиш ҳисобланади. У ҳаётга замонавий спортнинг жуда тез ривожланиши, спорт натижаларининг ўсиши, унинг инсонлар ҳаёти, жамиятга жадал суръатда кириб бориши натижасида замонавий фан олдига аниқ амалий вазифаларни қўйишга чақиради. Спорт-психологик тадқиқотнинг спорт амалиёти билан бевосита боғлиқлиги спорт психологиясининг замонавий ҳолатини таърифловчи ва ажратиб турувчи хусусияти ҳисобланди. Ҳозирги кунда шу нарса аниқ бўлиб қолмоқдаки, спортчининг психикасини жиддий ўрганмасдан туриб, унинг психологик хусусиятларини ва психик жараёнларини тадқиқ қилмасдан туриб мураббийлар ҳам, спортчиларнинг ўзлари ҳам олдиларида турган юксак вазифаларни ечишга имкон топа олмайдилар.

Спорт амалиёти билан бевосита боғлиқлик спорт психологияси фани ўрганаётган илмий муаммолар доирасини аниқлаб беради. Спорт фаолиятининг кўпқирралиги, унда спортчининг психик кечинмаларининг кучлилиги спорт психологларини аввалом бор, экстремал шароитларда психик жараёнларнинг кечиши хусусиятларини ва бу жараёнда куч, тезлик, ҳаракатни аниқлиги ва мураккаб ҳаракатларнинг намоён бўлишини ўрганишга асосий эътиборни қаратишга мажбур қилмоқда. Спорт психологлари спортчи шахсини ўрганиш, унинг психологик тузилишини, шахс ва жамоанинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги, спорт жамоаси психологияси муаммосини марказий муаммо деб ҳисоблайдилар.

Спортчи фаолияти ва шахсини психологик масалаларини ўрганиш инсон фаолиятининг бошқа турларида учрамайдиган, фақат спортга тааллуқли бўлган психологик муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келди. Спорт психологларининг хизматлари шундаки, улар нафақат уни йўлга қўйиш, спорт амалиёти учун аҳамиятини аниқлаш, шу билан бирга, спортчининг шахс хусусиятлари ва психик жараёнларини ривожланиши ва

шаклланиши ҳамда спортчиларни бўлажак мусобақаларга бевосита тайёрлаш масалаларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдилар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, спортнинг шахсни шаклланишида характери, спортчи шахси ва унинг фаолияти мотивацияси, спортчининг психик жараёнларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг фалсафий-психологик хусусиятлари ва спортчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш муаммосини ўрганиш**” деб номланади. Мазкур бобда психологияда шарқ яккакураши машғулотларининг фалсафий-психологик хусусиятлари ва спортчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш масаласида фикр юритилади. Спорт фаолиятида ўзини-ўзи бошқариш, унинг психофизиологик механизмлари, спорт фаолиятида ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ўқувчи-спортчилардан шарқ яккакурашининг шахс шаклланишига таъсирини фалсафий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровнома беш савол ва ўн бешта жавоб вариантларидан иборат. Биз томондан ишлаб чиқилган ушбу сўровнома асосида ўтказилган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, ўқувчи-спортчиларда шарқ яккакурашининг фалсафий-психологик хусусиятлари борасидаги тушунчалари турли спорт турлари билан шуғулланишларига қарамасдан, бир-биридан кўп ҳам фарқ қилмайди, бу эса шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг спорт машғулотлари ва унинг фалсафий-психологик асослари борасидаги билимларининг уйғунлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчилар билан ўтказилган сўровнома натижалари асосида шуни таъкидлашимиз мумкинки, шарқ яккакураши машғулотлари ўқувчиларнинг ички дунёсини кенгайтиришга, уларнинг оқ-қорани танишга, инсон ва табиатнинг уйғунлигини англашга, уларда мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга, шахсни ҳар томонлама ва гармоник шаклланишига ижобий таъсир кўрсатишида ўзига хос аҳамият касб этади ва шунингдек, шарқ яккакураши ва боксни шахсни шакллантиришда муҳим восита сифатида кўришимиз мумкин. Умуман олганда мазкур яккакураш машғулотлари шахсни ички психик имкониятларини юзага чиқариб, ўзини-ўзи ривожлантиришида ҳам асосий восита сифатида ёрдам беради (қаранг 1-жадвал).

Биз ўз тадқиқотимизда шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланаётган ўқувчи-спортчиларнинг нерв тизими хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик, бунда биз “Нерв тизими кучи” ва “Нерв тизимининг барқарорлиги” методикаларидан фойдаландик.

1-жадвал

Шарқ яккакураши ва бокснинг шахс шаклланишига таъсирини фалсафий жиҳатларини ўрганиш натижалари (фоиз ҳисобида)

№	Шарқ яккакураши ва бокснинг фалсафий жиҳатлари	Яккакураш турлари				
		Миллий кураш	Дзюдо	Каратэ	Таэквондо	Бокс
1	**Шарқ яккакураши ва бокс қандай қонуниятларга асосланади?**					
	а) эзгулик ва ёвузликнинг кураши қонуниятига асосланади	50,0	52,0	60,0	62,0	27,0
	б) табиат ва инсоннинг уйғунлиги қонуниятига асосланади	20,0	20,0	27,0	22,0	35,0
	в) қарама-қаршиликлар кураши қонуниятига асосланади.	30,0	28,0	13,0	16,0	38,0
2	**Шарқ яккакураши ва бокснинг шахс тафаккури билан уйғунлиги нимадан иборат?**					
	а) табиат қонунияти моҳиятини билиш имко-ниятини юзага чиқаради.	28,0	21,0	23,0	27,0	21,0
	б) шахс ҳаёт тарзини табиат қонуниятларига боғлиқлигини англаш имкониятини вужудга келтиради.	29,0	26,0	28,0	31,0	23,0
	в) тезкор ва кенгроқ фикрлаш хусусиятларини ўстиради.	43,0	53,0	49,0	42,0	56,0
3	**Шарқ яккакураши ва бокс шахснинг фикрлаш қобилияти қандай таъсир этади?**					
	а) дунёқарашни шакллантиради.	36,0	37,0	25,0	29,0	38,0
	б) мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллан-тиради.	46,0	42,0	48,0	46,0	41,0
	в) ҳиссий билишни ривожлантиради.	18,0	21,0	27,0	25,0	21,0
4	**Шарқ яккакураши ва бокснинг фалсафаси- бу...**					
	а) шахсни мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади.	27,0	24,0	21,0	21,0	26,0
	б) ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган вазият ва ҳолатларни тезкор англашга йўналтирилган фалсафа.	28,0	30,0	30,0	28,0	32,0
	в) инсоният ҳаётида яхшилик ва ёмонликнинг доимий қарама-қаршилиги ва кураши фалсафа-сидир.	45,0	46,0	49,0	51,0	42,0
5	**Шарқ яккакураши ва бокс баркамол шахсни шакллантиришда қандай омиллар-га таянади?**					
	а) шахсни жисмоний ривожлантириш омили.	21,0	21,0	20,0	21,0	22,0
	б) шахсни руҳий ривожлантириш омили	27,0	26,0	21,0	21,0	24,0
	в) шахсни ақлан, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш омили.	52,0	53,0	59,0	58,0	54,0

Айтиб ўтиш жоизки, шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан

шуғулланувчи ўқувчиларнинг нерв жараёнлари диссертация ишимизнинг 3-боб 2-параграфида ҳам характер, темперамент хислатлари методикаси ёрдамида ўрганилган, лекин бу методика ҳам бошқа методикалар қатори ўқувчи-спортчиларни ўрганишда биринчи бор қўлланилиши билан аҳамиятлидир. Шундай экан, бу ўз навбатида ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларни спорт тўгаракларига қабул қилишда муҳим ўрин тутади, деб умид қиламиз.

Мазкур методика асосида ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларда нерв жараёнлари кучининг намоён бўлиши

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларда нерв жараёнининг кучини ўрганиш натижалари таҳлил қилиниши натижасида маълум бўлдики, унинг кўрсаткичлари каратэ, таэквондо, дзюдо билан шуғулланувчиларда миллий кураш ва бокс турлари билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг натижаларига қараганда нисбатан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча мазкур спорт турлари бўйича олиб борилаётган машғулотлар жараёнида спортчи-ўқувчиларга қўйиладиган талаблар юқорилигидан далолат беради, чунки ушбу яккакураш машғулотларини ўзига хос бўлган машқлари шуғулланувчилардан юқори юкламада ишлаш қобилиятини талаб қилади, уларда юқори юкламаларга бардош бериш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.



2-расм. Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларда нерв жараёнлари барқарорлигининг намоён бўлиши

Шарқ яккакураши билан шуғулланувчи ўқувчиларда ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин, яъни

шарқ яккакураши ва бокс билан мунтазам шуғулланиш жараёнида ўқувчиларда нерв тизими барқарорлиги бўйича спорт турига нисбатан унча катта фарқ сезил-майди.

Каратэ ва таэквондо билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг кўрсаткичлари тенг натижани кўрсатса, бокс ва дзюдо билан шуғулланадиган ўқувчиларнинг кўрсаткичлари миллий курашчиларнинг натижаларига нисбатан бироз юқори кўрсаткичга эга. Буни мазкур спорт турларининг фақат ўзига хос бўлган хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Чунки ушбу яккакураш турлари мусобақалар жараёнида олиб борадиган жанг тактикасининг ўзгарувчанлиги (кескин ва вазмин ҳаракатларнинг ўрин алмашиши) билан характерланади.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш ўқувчиларда нерв тизими кучи ва барқарорлигининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларда ўтказилган тадқиқот натижалари (1 ва 2 расмлар) ўртадан юқори кўрсаткичларга эга, бу эса шундан далолат берадики, мазкур яккакураш турлари нерв жараёнининг кучи ва барқарорлигининг ривожланишига, ўқувчи-спортчиларда ижтимоий ҳаётдаги турли хил ҳолат ва вазиятларда ўзларини тута билишлари, ўз ҳаракатларини бошқара олишлари, керакли тўғри қарорларни қабул қила олиш қобилиятларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатар экан, аслида ўтказилган тадқиқотимизнинг мақсади ҳам шундан иборат.

Айтиш жоизки, физиологик, психофизиологик ва хулқ-атвор таъсирини тизимли ташкил этиш ҳақидаги тасаввурлар психотерапияда бир қанча муаммоларни ҳал қилишда, шу жумладан, аутоген машқларнинг механизмларини очиб беришда ўз аксини топиши лозим.

Диссертациянинг учинчи боби “**Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўқувчи шахсини шаклланишига таъсири**” деб номланади. Ишнинг “**Ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотларига бўлган қизиқиш ва мотивлари**” номли биринчи параграфида ўқувчиларнинг машғулотларга ва мусобақаларга қизиқиши, шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланиш мотивлари ва ўқувчиларнинг бу машғулотларга бўлган интилиш даражалари аниқланган маълумотлар баён этилган. Бизга ўқувчиларнинг қизиқишлари, мотив ва интилиш даражасини аниқлаш билан бирга маълум маънода баъзи “субъектни фаолликка ундовчи ва унинг йўналганлигини белгиловчи ички ёки ташқи шароитларнинг бирлигини” аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, аниқланган қизиқишлар тадқиқотимизда олинган бошқа маълумотларни объектив изоҳлаш учун хизмат қилади.

Биз томондан ишлаб чиқилган махсус анкетадан фойдаланиб, ўқувчиларнинг яккакураш машғулотларини ўргатиш машқларига бўлган қизиқишларини ўрганиб чиқдик. Унинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўқувчиларнинг ўргатиш машқларига бўлган қизиқишларининг тадқиқот натижалари (фоизда)

№	Қизиқишлар	Яккакураш тури				
		Миллий кураш	**Дзюдо**	**Каратэ**	**Таэквондо**	**Бокс**
1	Жанг шароитида усулларни ўрганиш	**37**	**35,6**	**34,2**	**32,6**	**29,2**
2	Ўрганишда спорт ва ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш	**19**	**19,4**	**8,4**	**8,8**	**17,6**
3	Мураббий билан лапада якка тартибда ишлаш	**-**	**-**	**14,2**	**16,4**	**16,4**
4	Эркин жанглар (спарринг)	**28,6**	**27,3**	**20,6**	**19,2**	**16,2**
5	Снарядларда бажариладиган машқлар	**3,4**	**4,2**	**6,3**	**6,8**	**5,2**
6	Якка тартибдаги машқлар (ўз сояси билан кураш, арғамчида сакраш, ўз акси билан жанг қилиш ва бошқалар	**3,1**	**3,8**	**6,8**	**9,4**	**7,4**
7	Тулуп (чучело) билан машқ	**8,9**	**9,7**	**5,5**	**6,8**	**8,0**

Олинган тадқиқот маълумотлари шундан далолат берадики, ўқувчилар танлаган машқлар уларнинг жисмоний ва махсус тайёргарлигининг турли хил воситаларига бўлган муносабатларига боғлиқдир.

2-жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, ўқувчилар учун кўпроқ қизиқарли бўлган машқлар “жанг шароитида усулларни ўрганиш” ва “эркин жанглар (спарринг)” ҳисобланади. Яккакураш туридан қатъий назар, ўқувчиларни яна мураббий билан лапада якка тартибда ишлаши ҳам ўзига жалб қилар экан (2-жадвал). Назаримизда, ўқувчиларни тезроқ ўзини жанг иштирокчиси деб ҳис қилиш имконияти уларни кўпроқ спортга жалб қилса керак. Бизнинг фикримизча, ўқувчилардаги бу ҳиссиёт, яъни “жанг”ни афзал кўриш унинг ўтказилишидаги ҳиссий ҳолати ҳамда ўқувчиларнинг муваффақиятга эришишга йўналтирилган шерик ва мураббийнинг техник-тактик нуқтаи назари асосий ролни ўйнайди.

Ишнинг “**Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўқувчилар индивидуал ва типологик хусусиятларига таъсири**” номли иккинчи параграфида шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланаётган ўқувчиларнинг типологик хусусиятлари ва баъзи характериологик хислатлари бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган. Умид қиламизки, бу маълумотлар, уларнинг қатнашганлик даражасига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши ҳамда яккакурашнинг маълум бир тури билан алоқасини таҳлили, шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари ўқувчиларнинг тадқиқ қилинаётган темперамент ва характер хислатларига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида баъзи хулосалар қилиш имконини беради. Шу билан бирга 3.2.

параграфдаги маълумотлар тадқиқот материалларини умумий таҳлил қилиш учун ёрдамчи материал сифатида ёрдам берди.

Шахснинг индивидуал типологик хусусиятлари характер ва темперамент хислатлари тести ёрдамида текширилди. Унинг тўлиқ таърифи ва қўлланиш имкониятлари бир қанча нашрларда баён этилган.

Тест-сўровнома бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги Стьюдент мезони асосида қайта ишланиб, унинг ишончлилик даражаси аниқланди.

$$Ъ = \pm \frac{Vmak - Vmin}{к - коэффицент}$$

$$\pm m = \pm \frac{Ъ}{\sqrt{n}}$$

$$t = \frac{M_1 - M_2}{\sqrt{m_1^2 - m_2^2 - 2}}$$

$c = n_1 + n_2 - 2$ бунда:

n- синалувчилар сони
M1 **M**2 – разделларнинг ўртача бали
m1 **m**2 – 2-формуладан чиққан натижа
n1 **n**2 – гуруҳдаги синалувчилар сони
Vmak **V**min – юқори ва паст баллар

Қуйида мазкур тест бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган (3-жадвал). Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланаётган ўқувчиларнинг типологик хусусиятлари ва баъзи характереологик хислатлари бўйича тадқиқот натижалари асосида айтишимиз мумкинки, бу маълумотлар, уларнинг қатнашганлик даражасига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши ҳамда яккакурашнинг маълум бир тури билан алоқасини таҳлили, шарқ яккакураши машғулотлари ўқувчиларнинг тадқиқ қилинаётган темперамент ва характер хислатларига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида баъзи хулосалар қилиш имконини беради. Албатта, ҳеч бир тест шахсни тўлиқ ўрганишга талабгор бўла олмайди. Шу билан бирга, биз тадқиқотимиз мақсадига эришиш учун зарур бўлган бир қанча таърифларни аниқлаймиз.

Тадқиқот фаразида биз мактаб ўқувчиларининг шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланишлари уларнинг шахси шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, деб тахмин қилган эдик. Психодиагностик тест ёрдамида аниқланадиган невротизм, виждонлилик, фаоллик, мулоқотлилик ва бошқа хислатларнинг натижаларини ўрганиб, яккакураш машғулотлари орқали ўқувчиларнинг жамиятда ўзини тутишини намоён бўлиши ҳақида гапириш мумкин.

3-жадвал

Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг нерв тизими хислатларини тадқиқот натижалари (Стьюдент мезони бўйича)

№	Бўлимлар	Яккакураш тури				
		Миллий кураш	Дзюдо	Каратэ	Таэквондо	Бокс
		X±σ	X±σ	X±σ	X±σ	X±σ
1.	Қўзғалиш томонидан нерв жараёнининг кучи, ишлаш қобилияти	5,1±0,059 t=8,57***	6,2±0,448 t=2,44*	7,1±0,247 t=7,90***	7,2±0,249 t=8,23***	6,9±0,202 t=8,57***
2.	Пастки бўсаға томонидан нерв тизимининг таърифи, сезувчанлик	6,8±0,059 t=2,64*	6,4±0,448 t=0.22	5,6±0,123 t=8,82***	5,4±0,249 t=5.49**	5,9±0,337 t=2,64*
3.	Тўсқинлик томонидан нерв жараёнининг кучи	5,9±0,239 t=2,14*	5,8±0,336 t=0.24	7,6±0,371 t=3,85***	6,2±0,145 t=0,62	7,8±0,270 t=2,14*
4.	Нерв жараёнининг ҳаракатчанлиги	8,2±0,239 t=2,14*	6,2±0,448 t=3,94***	7,0±0,247 t=3,49**	6,4±0,498 t=3,26**	6,3±0,270 t=2,14*
5.	Ҳиссий ўзгарувчанлик, ташқи таъсирга жавоб бера олиш	6,4±0,179 t=3,42**	6,0±0,673 t=0.57	5,1±0,247 t=3,94***	5,7±0,165 t=1,09	5,1±0,337 t=3,42**
6.	Биринчи сигнал тизимининг ривожланганлиги	6,9±0,179 t=1,24	6,6±0,561 t=0,51	7,6±0,496 t=1,32	6,7±0,415 t=0,44	6,5±0,270 t=1,24
7.	Иккинчи сигнал тизимининг ривожланганлиги	6,1±0,118 t=0,34	5,2±0,336 t=2,53*	6,1±0,123 t=0	6,9±0,415 t=1,85	6,2±0,270 t=0,34
8.	Юқори асабийлик ва айрим руҳан ғайритабиий бузилишларнинг мавжудлиги	5,3±0,358 t=4,26***	4,2±0,448 t=1,92***	2,8±0,496 t=4,09***	2,3±0,332 t=6,14***	3,0±0,405 t=4,26***
9.	Софдиллик кўрсаткичи	6,4±0,478 t=4,63***	4,0±0,561 t=3,26***	4,6±0,868 t=4,09***	3,4±0,581 t=3,98***	3,5±0,405 t=4,63***
10	Интилиш даражаси	4,5±0,298 t=6,77***	6,5±0,561 t=3,15***	8,2±0,496 t=6,40***	7,1±0,332 t=5,80***	7,9±0,405 t=6,77***

эслатма: * – p≤ 0,05 **– p≤ 0,01 ***– p≤ 0,001

Тадқиқот ишининг “**Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўқувчиларда шахс хусусиятлари шаклланишидаги аҳамияти**” деб номланган учинчи параграфида В.М.Мельников, Л.Т. Ямпольскийларнинг психодиагностик тести бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Бу тест етарлича кенг тадқиқот текширувлардан муваффақиятли ўтган тестлардан ҳисобланади. Мазкур тест бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4- жадвал

Психодиагностик тест бўйича ўқувчилар индивидуал ва шахсий хислатларининг тадқиқот натижалари

№	Индивидуал ва шахсий хислатлар	Яккакураш тури					Спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчилар
		Миллий кураш	Дзюдо	Каратэ	Таэквондо	Бокс	
		X±σ	X±σ	X±σ	X±σ	X±σ	X±σ
1.	**Асабийлик**	13,9±0,717 **t=4,99*****	11,6±1,346 **t=1,50**	11,9±0,992 **t=1,63**	11,9±0,913 **t=1,72**	9,5±0,513 **t=4,99*****	17,0±0,324 **t=3,94*****
2.	**Руҳий тажанглик**	11,8±0,717 **t=2,07***	10,4±0,673 **t=1,42**	11,9±1,116 **t=0,08**	12,7±1,162 **t=0,65**	9,7±0,718 **t=2,07***	15,6±0,108 **t=5,24*****
3.	**Руҳий азобланиш**	12,1±0,597 **t=3,85*****	10,3±0,673 **t=2,01***	9,7±0,496 **t=3,09*****	11,6±0,830 **t=0,48**	8,8±0,616 **t=3,85*****	13,1±0,162 **t=1,62**
4.	**Виждонлилик**	8,9±0,478 **t=1,16**	11,5±0,561 **t=3,53****	12,9±0,628 **t=5,06*****	11,6±0,581 **t=3,59*****	9,9±0,718 **t=1,16**	10,2±0,108 **t=2,65****
5.	**Тўсқинлилик**	7,9±0,358 **t=2,72****	5,5±0,336 **t=4,89*****	7,0±0,992 **t=0,85**	6,8±0,581 **t=1,61**	6,2±0,513 **t=2,72****	9,1±0,216 **t=2,87****
6.	**Умумий фаоллик**	8,5±0,478 **t=0,51**	7,4±0,673 **t=1,33**	9,5±0,744 **t=1,13**	9,3±0,498 **t=1,15**	8,9±0,616 **t=0,51**	6,8±0,162 **t=3,47****
7.	**Ҳадиксираш**	6,9±0,478 **t=0,57**	7,0±0,897 **t=0,09**	5,6±0,620 **t=1,66**	7,9±0,581 **t=1,32**	6,3±0,924 **t=0,57**	9,4±0,162 **t=4,96*****
8.	**Дилкашлик**	8,6±0,418 **t=0,80**	10,1±0,785 **t=1,68**	10,7±0,620 **t=2,27***	9,1±0,747 **t=0,58**	9,2±0,616 **t=0,80**	9,0±0,216 **t=0,85**
9.	**Эстетик таъсирланиш**	8,2±0,358 **t=0,74**	6,9±0,673 **t=1,70**	6,6±0,371 **t=3,10****	6,6±0,581 **t=2,34***	7,6±0,718 **t=0,74**	9,6±0,162 **t=3,56*****
10.	**Назокатлилик**	5,3±0,358 **t=1,65**	5,8±0,448 **t=0,87**	3,6±0,496	5,4±0,498 **t=0,16**	4,4±0,410 **t=1,65**	6,2±0,162
11.	**Руҳий тутуриқсизлик**	9,8±0,358 **t=4,48*****	7,8±0,897 **t=2,07***	8,9±0,744 **t=1,09**	9,5±0,830 **t=0,33**	7,0±0,513 **t=4,48*****	12,1±0,324 **t=4,77*****
12.	**Ижтимоийсизлик**	6,5±0,358 **t=1,44**	6,4±,541 **t=0,10**	7,3±0,371 **t=1,65**	7,0±0,747 **t=0,60**	7,4±0,513 **t=1,44**	7,9±0,612 **t=3,56*****
13.	**Одамовилик**	6,7±0,478 **t=1,97**	5,3±0,897 **t=1,37**	4,7±0,247 **t=3,72*****	5,8±0,581 **t=1,19**	5,0±0,718 **t=1,97**	8,2±0,270 **t=0,91**
14.	**Тортинчоқлик**	7,9±0,478 **t=1,42**	7,3±0,561 **t=1,35**	5,9±0,620 **t=2,66****	8,3±0,747 **t=0,45**	6,9±0,513 **t=1,42**	9,2±0,216 **t=2,48***

эслатма: * – p≤ 0,05 **– p≤ 0,01 ***– p≤ 0,001

4-жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, тест ёрдамида ўрганилган индивидуал ва шахсий хислатлар ўқувчиларнинг реал хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатар экан, буни бизнинг тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланиш ўқувчиларда виждонлилик, дилкашлик, умумий фаоллик ва бошқа ижобий хис-

латларнинг шаклланишига ёрдам берар экан. Шу билан бирга, бу яккакураш турлари ўқувчилардаги асабийлик, руҳий тажанглик, руҳий азобланиш, ҳадиксираш ва бошқа салбий хислатларнинг намоён бўлишини камайтиришга ёрдам беради.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари асосан юқори даражадаги омилларни намоён бўлишига ўзгача таъсир кўрсатиши тадқиқот натижаларидан маълум бўлди: руҳий тутуриқсизлик, ижтимоийсизлик, одамовилик ва тортинчоқлик.

Экспериментал психологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, шахснинг шаклланишини ўлчовчи барча параметрлари назорат гуруҳидаги спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларга қараганда шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланадиган ўқувчиларда яққол ижобий ва аҳамиятли яхши намоён бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларини ўқувчи-спортчиларнинг психологик хусусиятларини шаклланишига таъсири**” деб номланади. “**Спортчи шахсининг психологик хусусиятлари**” номли биринчи параграфда спортчи шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, унда спортчилар нерв тизимининг индивидуал хусусиятлари, жумладан нерв тизими кучи, нерв тизимининг ҳаракатчанлиги, нерв тизимининг динамикаси ва бошқа хусусиятларига таъриф берилган ва бу борада олиб борилган тадқиқот иш-ларига изоҳ берилган. Тадқиқот ишининг “**Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларда психологик хусусиятларнинг фарқлари**” номли иккинчи параграфда шарқ яккакураши ва бокс турлари билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларининг фарқларини ўрганиш ва унинг тадқиқот натижалари баён қилинади. К.Юнг методикаси асосида шарқ яккакураши ва бокс турлари билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг “экстраверт-интроверт” хусусиятларини тадқиқот натижалари таҳлили келтирилган, бу натижалар асосида яккакураш турлари ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини шаклланишига қай тарзда таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини яратади. Шу билан бирга, бу маълумотлар ўқувчи-спортчилар характеристикасига умумий таъриф бериш учун ёрдам беради.

Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва унинг типлари ҳақида кўплаб фикрлар илмий адабиётларда ёритилган бўлиб, биз ҳам ўз тадқиқотимизда ўқувчи спортчиларнинг шахси хусусиятларини К.Юнг методикаси асосида ўргандик. Ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги 3-расмда келтирилган.

Ушбу расмда келтирилган тадқиқот натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи спортчи-ўқувчиларда экстраверт ва интровертларга нисбатан амбивертив типлар устунлик қилмоқда. Буни биз шу билан изоҳлашимиз мумкинки, шарқ яккакураши машғулотларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари, яъни тезкор ҳаракатларнинг хотиржам ҳаракатлар билан алмашиниб туриши билан

боғлиқлигидир.



3-расм.Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари

Шу билан бирга, шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланиш ўқувчиларда ўз ҳиссиётларини бошқаришга, бошқаларни ҳурмат қилишга, ўзларининг ижобий хислатларини намоён қилишга, улардаги ўзига бўлган ишончсизлик, қатъиятсизлик каби психологик хусусиятларни пасайишига ёрдам беради.

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда биз “экстраверт”, “амбиверт”, “интроверт” ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари тўғрисидаги олинган маълумотлардан субъектив ёндошиш нуқтаи назаридан уларни спорт фаолиятлари жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот ишининг “**Шарқ якка-кураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг темперамент хусусиятлари**” номли учинчи параграфида В.М.Русаловнинг темперамент типини аниқловчи тести бўйича ўтказилган тадқиқот материаллари ёритилган. Бу методика темпераментнинг кўргазмали-фаолиятли ва коммуникатив хусусиятларини аниқлаб беради. Ушбу хусусиятлар шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларда қандай намоён бўлиши ва мазкур яккакураш турлари ўқувчиларнинг темпераменти хусусиятларини шаклланишига таъсири натижалари баён қилинган. Ўқувчилардаги фаоллик, мутаносиблик, суръат, ҳиссиётлилик каби хусусиятларнинг намоён бўлишини ўрганиб, бу хусусиятларнинг шаклланишида яккакураш турларининг аҳамияти, ўқувчиларнинг ижтимоий

жиҳатдан шаклланишлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Қуйидаги 5-жадвалда биз шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларда ўтказилган тадқиқот натижаларини келтирамиз.

5-жадвал

В.М. Русаловнинг темперамент тести бўйича ўқувчи-спортчиларда ўтказилган тадқиқот натижалари

№	Темперамент жиҳатлари	Яккакураш тури					Спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчилар
		Миллий кураш	Дзюдо	Каратэ	Таэквон-до	Бокс	
		X±σ	X±σ	X±σ	X±σ	X±σ	X±σ
1.	**Ишдаги фаоллик**	7,3±0,288 **t=2,01***	7,1±0,428 **t=0,38**	8,6±0,355 **t=2,84****	8,3±0,355 **t=2,18***	8,4±0,466 **t=2,01***	6,5±0,469 **t=1,45**
2.	**Одамлар билан мулоқотда фаоллик**	7,1±0,355 **t=0,54**	6,6±0,342 **t=1,01**	7,5±0,355 **t=0,79**	7,7±0,533 **t=0,93**	6,8±0,422 **t=0,54**	6,5±0,571 **t=0,89**
3.	**Фаолиятдаги мутаносиблик**	5,8±0,422 **t=1,32**	5,7±0,428 **t=1,50**	7,1±0,422 **t=2,18***	7,1±0,355 **t=2,35***	6,7±0,533 **t=1,32**	5,1±0,510 **t=0,16**
4.	**Одамлар билан мулоқотда мутаносиблик**	6,5±0,355 **t=0,79**	6,7±0,771 **t=0,23**	7,2±0,422 **t=1,27**	7,3±0,244 **t=1,86**	6,9±0,355 **t=0,79**	5,6±0,469 **t=1,53**
5.	**Фаолиятдаги суръат**	7,9±0,422 **t=0,72**	8,3±0,771 **t=0,45**	8,6±0,533 **t=1,03**	8,5±0,422 **t=1,00**	8,3±0,355 **t=0,72**	6,4±0,418 **t=2,52***
6.	**Одамлар билан мулоқотда суръат**	6,2±0,355 **t=0**	6,3±0,428 **t=0,18**	6,2±0,466 **t=0**	6,3±0,422 **t=0,18**	6,2±0,422 **t=0**	5,4±0,367 **t=1,56**
7.	**Фаолиятда ҳиссиётлилик**	5,4±0,288 **t=0,19**	5,7±0,514 **t=0,50**	5,4±0,422 **t=0**	5,6±0,422 **t=0,39**	5,5±0,422 **t=0,19**	7,8±0,510 **t=4,08*****
8.	**Одамлар билан мулоқотда ҳиссиётлилик**	5,5±0,355 **t=0,78**	5,4±0,428 **t=0,18**	5,0±0,466 **t=0,85**	5,1±0,466 **t=0,68**	5,0±0,533 **t=0,78**	8,3±0,469 **t=4,76*****

эслатма: * – p≤ 0,05 **– p≤ 0,01 ***– p≤ 0,001

Шундай қилиб, В.М.Русаловнинг темперамент тести бўйича шарқ яккакураши ва бокс турлари билан шуғулланувчи ўқувчиларда ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1.В.М.Русалов методикаси асосида ўрганилган барча темперамент хусусиятлари ўқувчиларнинг реал ҳатти-ҳаракатларига таъсир қилади ва буни бизнинг тадқиқотимиз натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

2.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш ўқувчиларда фаолият ва одамлар билан мулоқот жараёнида фаолликни, ўзаро бир-бирини тушунишни, ўзини тута билиш, ўзаро муносабатга осон кириша олиш, ўзаро тил топишиш каби хусусиятларини ижобий шаклланишига ёрдам беради. Шу билан биргаликда, қизиққонлик, ҳиссиётга

берилиб кетиш, ўзига ишончсизлик, фаолиятдаги муваффақиятсизликдан тушкунликка тушиш каби хусусиятларни камайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

3.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари ўқувчиларда нутқнинг равонлиги, фикрлаш доирасининг кенгайишига, қисқа вақтда тез ва тўғри қарор қабул қилиш хусусиятларининг шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

4.Бизнинг экспериментал-тадқиқот натижаларимиз шундан далолат берадики, барча ўрганилган темперамент хусусиятлари спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларга нисбатан яккакураш турлари билан фаол шуғулланадиган ўқувчиларда аҳамиятли даражада ижобий жиҳатдан намоён бўлди.

Диссертация ишининг тўртинчи параграфида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича материаллар баён этилади. Бу ишнинг моҳияти бўлиб, у эксперимент натижалари ва методик тавсиянинг умумлашган хулосаси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижалари бизга қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1.Ҳар қандай фаолият инсон психикасини ривожланишига маълум жиҳатдан таъсир кўрсатади. Бизнинг ҳолатимизда эса шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари ўзгача туркумдаги (гуруҳдаги) фаолият сифатида тақдим қилинмоқда ва у қуйидаги параметрлар билан белгиланади:

-қисқа ва чегараланган вақт мобайнида нерв жараёнлари қўзғалиши ва пасайишининг тез юзага келиши;

-рақиб ҳаракатига диққатнинг йўналтирилиши, ахборотни қабул қилиш ва таҳлил қилиш, жанг шароитида тезкор қарор қабул қилишнинг зарурлиги;

-юксак жисмоний ва иродавий кучни талаб қиладиган экстремал шароитлар ва бошқалар.

2.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларининг ўзига хослиги, фаолиятининг алоҳида тури сифатида инсонга шундай талаблар қўядики, бу асосида шахс сифати ва ҳаётий муҳим хислатлари шаклланади. Гарчи бу улар фаоли-ятининг алоҳида шартларини аниқлашга қаратилган бўлсада, малака ва кўник-маларни шаклланиш принципларини ҳисобга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан фаол шуғулланиш ўқувчиларда баъзи социоген ва бошқа омилларга мослашиш қобилиятининг шаклланишига ёрдам беради.

3.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотларини умумтаълим мактабларининг жисмоний табия дастурига киритилишини тавсия қилиш мумкин. Махсус синфларда ўқув йилида 204 соатга мўлжалланган дастур мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олиб борилган тадқиқотларимиз жараёнида 1993 йилда Жиззах вилоятининг Жиззах (ҳозирги Шароф Рашидов) ва Пахтакор туманларининг 12 ҳамда 13 умумтаълим мактабларида махсус бокс синфларини ташкил қилган эдик. Мазкур мактабларининг махсус бокс синфларида таҳсил олган ёш спортчилар ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилиб келинаётган мусобақаларда юксак натижаларга эришдилар. Жумладан, Жиззах (ҳозирги Шароф Рашидов) туманидаги 12-умумтаълим мактаби махсус бокс синфи ўқувчиларидан Ж.Азимов, Б.Азимов, О.Отабоев, А.Норматовлар бир неча бор Ўзбекистон Республикаси чемпиони, Ў.Соипов эса (мураббий Ш. Бадалов) Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони бўлди. Пахтакор туманидаги 13-умумтаълим мактабининг махсус бокс синфи ўқувчиларидан А.Умаров, Х.Тожибоев, Б.Хидиров, Т.Аблакимовлар (мураббий Б.Мирзақулов) Ўзбекистон ва Осиё чемпионлигини қўлга киритдилар, Б.Хидиров ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида совриндор бўлди ва Р.Мустанов эса ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати кумуш медали соҳибига айланди. Х.Тожибоев эса Бразилияда ўтган Олимпиадада муваффақиятли иштирок этди, ҳозирги кунда профессионал боксда АТҒ йўналишида чемпион ҳисобланади. Юқорида номлари келтирилган спортчилар ўз вақтида умумтаълим мактабларида ташкил қилинган бокс бўйича махсус синфларда таҳсил олганлар.

4.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан дастлаб шуғулланиш вақтида ўқувчиларнинг мотив ва қизиқишлари бевосита жангнинг жозибадорлиги асосида вужудга келади. Шу сабабли ҳам машғулотларда жанг шароитларига ўхшаган машқлар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиради (спарринг, соя билан жанг, жанг шароитида усулларни ўрганиш). Кейинчалик эса (ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс билан фаол шуғулланишлари натижасида) унинг назарий, фалсафий, психологик-педагогик асосларини чуқурроқ англаш натижасида ўқувчиларда вужудга келган мотив ва қизиқишлар етакчилик қилади (“кучли, бақувват ва жасоратли инсон бўлиш”, “ўзи ва яқинларини ҳимоя қила олиш учун”, “техник-тактик усулларни ўрганиш, лекин зарурати бўлмаса уларни қўлламаслик” ва бошқалар). Лекин буларнинг барчаси ўқув-тарбия жараёнида яхши ташкил этилган тақдирдагина самарали таъсир кўрсатади.

5.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари нерв тизимининг асосий хислатларини ижобий шаклланиши ва намоён бўлишига ёрдам беради (кучи, ҳаракатчанлиги, мувофиқлик). Бу машғулотлар спортчи характерининг мулоқотлилик, ҳиссий барқарорлик, мустақиллик, ижтимоий фаоллик, ўзига ишонч ва бошқа хислатларини шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, миллий кураш, бокс, каратэ, таэквондо ва дзюдо ҳам ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, шахснинг шаклланишида ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатади. Гарчи бизнинг тадқиқотда шахснинг ўрганилган сифат ва хислатларига улар таъсири натижаларининг ишончлилик даража-

сидаги фарқ кўринсада, тадқиқот гуруҳида ўрганилган шахс сифат ва хислатлари натижалари назорат гуруҳининг натижаларидан юқорилигини кўришимиз мумкин.

6.В.М.Мельников,Л.Т.Ямпольский психодиагностик тести бўйича ўтказилган ўқувчиларни текшириш натижасида олинган илмий маълумотлар яққол шуни кўрсатмоқдаки, шарқ яккакураши ва бокс билан фаол шуғулланган ўқувчилар шахсининг бир қанча асосий хислатларини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Уларда асабийлик, руҳий тажанглик, руҳий азобланиш камаяди, назокатлилик, ижтимоийсизлик ва бошқа хислатлар кам намоён бўлади.

7.К.Юнг методикаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан намоён бўлмоқдаки, шарқ яккакураши ва бокс турлари билан шуғулланувчи ўқув-чиларнинг кўрсаткичлари “амбиверсия” бўйича юқори натижани кўрсатмоқда(50%-70%гача), “экстраверсия”(18%-25% гача) ва “интроверсия” бўйича (10%-30% гача) паст кўрсаткичга эга. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, яккакураш турлари билан мунтазам шуғулланиш ва унинг фалсафий-психологик асосларини яхши эгаллаш натижаси ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини шаклланишига ижобий таъсир қилади (мулоқотга киришиш, янги муҳитга мослашиш, одамлар билан киришиб кетиш, қатъийлик, ташаббускорлик ва бошқалар). Шу билан биргаликда, уларда ўзига бўлган ишончсизлик, тушкунлик каби хусусиятларнинг пасайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

8.В.М.Русалов методикаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шун-дан далолат бермоқдаки, шарқ яккакураши ва бокс тури билан шуғулланув-чиларда одамлар билан мулоқот ва фаолият жараёнида фаоллик, ўзаро ва шахслараро муносабатларда бир-бирини тушуниш, ўзини бошқара олиш каби темпераментлилик хусусиятларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши аҳамиятга моликдир. Бундан ташқари, ўқувчилардаги қизиққонлик, ҳиссиётга берилиш, ишончсизлик, фаолиятдаги ва ижтимоий турмушдаги омадсизликдан тушкунликка тушиш, депрессия ҳолатлари каби хусусиятларни камайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

9.Ўтказилган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, барча ўтказилган индивидуал-психологик ва темперамент хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқотлар шарқ якккураши ва бокс машғулотлари билан мунтазам равишда шуғулланувчи ўқувчиларга ижобий жиҳатдан таъсири намоён бўлар экан.

10.Шарқ яккакураши ва бокс турлари инсонларнинг нафақат жисмоний ривожланиши, балки уларнинг ахлоқий ва руҳий шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга экан.

ТАВСИЯЛАР

1.Ўқувчиларнинг ички дунёсини кенгайтириш,уларнинг оқ-қорани таниш-лари инсон ва табиатни уйғунлигини англашлари, уларда мантиқий фикрлашлари учун яккакураш машғулотларидан муҳим восита сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

2.Ўқувчиларнинг “жанг шароитида усулларни ўрганиш”, “эркин жанглар (спарринг)”, “спорт курашининг кескинлиги, жанговор ҳолатнинг ранг-баранглиги” каби қизиқишлари ва “маънавий ва руҳан ривожланиш мақсади”, “дунёга таниқли бўлиш” каби мотивларининг доминантлиги сабабли ўқувчилардаги қизиқиш ва мотивларни ҳисобга олган ҳолда яккакураш секцияларига қабул қилиш тавсия қилинади.

3.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари ўқувчилар нерв тизимининг асосий хусусиятлари яъни, ҳиссий ўзгарувчанлик ва бошқа хислатларини шаклланишига, биринчи ва иккинчи сигнал тизимини ривожланишига ёрдам бериши, асабийлик ва бошқа руҳий бузилишларни камайишига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда яккакураш машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш тавсия қилинади.

4.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари орқали ўқувчиларнинг виждонлилик, мулоқотлилик, умумий фаоллик каби хислатларни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши, асабийлик, руҳий тажанглик, руҳий азобланиш, тортинчоқлик каби хислатларини пасайишига ёрдам бериши хусусидаги шахсий ва индивидуал хусусиятларини ўрганиш тавсия қилинади.

5.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланиш жараёни ўқувчиларда мулоқотга киришиш ва фаолликнинг меъёри, ташқи таъсирларни ўзига хос тарзда қабул қилиш, атроф-муҳитга мослашиш, ҳатти-ҳаракатларини ақлига бўйсундира олиш, керакли қарорни ўз вақтида ақл билан қабул қилиш, ўз олдига қўйган мақсадига эришишда қатъийлик ва шу каби бошқа хислатларни шакллантиришда ижобий аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг ўз ҳиссиётларини бошқариш, бошқаларни ҳурмат қилиш, ўзларининг ижобий хислатларини намоён қилиш, улардаги ўзига бўлган ишончсизлик, қатъиятсизлик каби салбий хусусиятларни бартараф этишда шарқ яккакураши ва бокс машғулотларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

6.Шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш жараёни ўқувчиларда одамлар билан мулоқот жараёнида фаолликни, ўзаро бир-бирини тушунишни, ўзини тута билиш, ўзаро муносабатга осон кириша олиш, ўзаро тил топишиш каби хусусиятларини ижобий шаклланишига ёрдам бериши, шу билан биргаликда, қизиққонлик, ҳиссиётга берилиб кетиш, ўзига ишончсизлик, фаолиятдаги муваффақиятсизликдан тушкунликка тушиш каби салбий хусусиятларни камайиши, ўқувчилардаги

нутқнинг равонлиги, фикрлаш доирасининг кенгайиши, қисқа вақтда тез ва тўғри қарор қабул қилиш каби хусусиятларининг вужудга келиши учун ижобий таъсир кўрсатишида фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш тавсия қилинади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc27.06.2017.Psi.01.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕНЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУРАСУЛОВ РУСТАМ АБДУРАИМОВИЧ

РОЛЬ СПОРТИВНЫХ ЗАНЯТИЙ НА ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ УЧАЩИХСЯ-СПОРТСМЕНОВ (НА ПРИМЕРЕ ВИДОВ ЕДИНОБОРСТВ)

19.00.06- Возрастная и педагогическая психология. Психология развития

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора психологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.DSc/Psi18.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице совета (ik_falsafa@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Шоумаров Гайрат Бахромович**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримова Васила Маманасировна**
доктор психологических наук, прфессор

Холмухамедов Рустам Дехканович
доктор педагогических наук, профессор

Самаров Рустам Садриддинович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится « » _____2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.Psi.01.07 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес:100174, г.Ташкент, улица Университетская, 4. НУУз, здание факультета Социальных наук, 5 этаж, 511-кабинет. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № _____).Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, 4. НУУз, Главный учебный корпус НУУз, отсек «В», 2 этаж, 217-кабинет. Тел.: (99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «___»_____2018 года.
(протокол реестра №____ от «___ » _____ 2018 года).

Э.Г.Газиев
Зам.председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д. психол.н., профессор

А.И.Расулов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к. психол. н., доцент

Н.С.Сафаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д. психол. н

Введение (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Восточное единоборство признаётся в мире как метод действенного воспитания, имеющий историческое и современное значение для обеспечения физического и психического развития человека. Активные действия по обеспечению признания роли восточного единоборства в психической устойчивости и физическом развитии человека привели к организации в 2014 году Международной ассоциации восточного единоборства (International Oriental Martial Arts Association - IOMAA), в который вступили 67 федераций. Эти факторы показываают, что число людей, занимающихся восточным единобортвом, возросло в 2015 году до 14,8 млн. человек, а к 2020 году их численность может достичь 20 млн. человек[1]. Изучение видов восточного единоборства подтверждает, что они не только в период их появления, но и в нынешнее время технологического развития являются одним из самых эффективных путей и методов обеспечения гармоничного развития личности, физического и психического здоровья молодёжи, предотвращения их склонности к наркомании и поведенческому отклонению.

В мире проводятся исследования по изучению вопросов роли восточного единоборства восстановления и профилактики психического развития, физического здоровья человека; восточного единоборства как средства самосознания личности, отношения в традициям восточного единоборства, восточного единоборства как онтологического явления, его роли в формировании морально-волевых качеств подростков, месте восточного единоборства в эффективности деятельности спортсменов, видов восточного единоборства как фактора обеспечения психологической устойчивости личности, социально-психологических механизмов системы ценностей спортсменов, занимающихся восточным единоборством.

Исследование роли спортивных занятий по обучению восточному единоборству в формировании личности учащихся-спортсменов показывает, что это является одним из важных направлений выявления психологических особенностей развития личности.

В нашей стране уделяется особое внимание обеспечению физического и психического развития молодёжи, формированию у них психической устойчивости и волевых качеств путём спортивного и физического воспитания, повышению эффективности деятельности спортивных школ и кружков.

В приоритетных направлениях развития социальной сферы Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[2] намечены задачи воспитания молодого поколения, повышения эффективности мер, направленных на повышение его духовности и культуры. С этой точки

---

[1] http://www.dissercat.com/content/vostochnye-edinoborstva-kak-ontologicheskoe-yavlenie#ixzz5WJRlO4VL

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». - "Собрание законодательства Республики Узбекистан", 13 февраля 2017 г., N 6, ст. 70.

зрения очевидно, что вопрос роли спортивных занятий в формировании личности учащихся спортсменов является одной из актуальных проблем психологии вообще и спортивной психологии в особенности.

Настоящее диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике» (УРК-406 от 14 сентября 2016 года) и других нормативно-правовых документах, касающихся темы исследовательской работы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии. I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, непрерывность и неразрывность образования и воспитания в формировании всесторонне развитого поколения».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[3].

Научные исследования изучения психологических особенностей в спортивной психологии проводятся в ведущих научных центрах мира и высших учебных заведениях, в том числе, South-American Association Taytsu (Канада), National China Association Ushu (Китай), Institution of Martial Arts Kodokan (Япония), Federation of Martial Arts Taikwondo (Восточная Корея), Sofiya University in Bolgary (Болгария), University of Social Psichology (Польша), Hamburg University in Germany (Германия), Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, Санкт-Петербургский государственный институт имении П.Ф. Лесгафта (Россия).

В мировой практике по теме и проблемам исследования получены и

---

[3] Данная часть освешена на основании следующих источноков: Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. М.: Изд. полит. литературы.; Мерлин В.С. В кн. Психология формирования и развития личности. М.: Наука, 1981.; P. Kunath. Changes in pervormance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology». Rome, № 1, 1974.; Ogiloie B, Tutko T, Lyon L. The Votivational Inventory. In «Sholastic Coach», San Xose, 1976.; K.Kohl. Uber Bedeutungsgehaile des Sportspiels.-In: «Sportpsychlogie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972.; Vanek M, Hosek W, Svoboda B. Studie osobnosti ve spory. Universita Karlova, Praha, 1974.; Biro H. Extroverzia a zmena vykorny v persepcnomotorickei uloke u sporto vsov. – «Teorie a praxe telesne vychovy», №3, 1976.; Родионов А.В. Влияние психологических факторов на спортивный результат. М.: ФиС, 1983.; Пилоян Р.А. Мотивация спортивной деятельности. М.: ФиС, 1984.; Вяткин Б.А. Управление психическим стрессом в спортивных соревнованиях. ФиС, 1981.; Лобзин В.С., Решетников М.М. Аутогенная тренировка. Л.: Медицина, 1986.; Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности. М.: Просвещение, 1985.; Норакидзе В.Г. Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена.; Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирования соревновательной установки у спортсменов.; Дойль В. Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена.; Пуни А.Ц. Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте.; Онищенко И.М. Опыт психологического изучения основных качеств личности спортсмена.; Попеску С, Иота М, Хордиган В. О некоторых средствах и приёмах психического воздействия в спорте. Сборник научных работ психологов спорта. М.: ФиС, 1973.Токарёва В.А. Межнаучная проблема личности и перспективы её исследования в XXI веке. /XXI аср психологияси: назария, амалиёт, истиқболлар. //ЎЗМУ халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Т.: «Mumtoz soz», 2013.

внедрены некоторые результаты, в том числе: повышалась эффективность физического и психологического здоровья (South-American Association Taytsu), развивались физические и психологические качества личности (National China Association Ushu), формировались волевые качества личности (Institution of Martial Arts Kodokan), совершенствовались физические возможности и психологические особенности личности (Federation of Martial Arts Taikwondo), определено влияние спорта на развитие психологических особенностей личности (Sofiya University in Bolgary), разработаны методы влияния спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена и методы развития волевой подготовки спортсменов (Санкт-Петербургский государственный институт физкультуры им. П.Ф. Лесгафта), определена динамика формирования взаимоотношений в спортивном коллективе (Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова); совершенствовались мотивации достижения высоких спортивных результатов (Hamburg University in Germany), усовершенствованы методы и средства психологического влияния на спортивную деятельность (University of Social Psichology).

